

Review of law sciences

Volume 1
Issue 1 *Review of law science 2017-1*

Article 1

10-16-2017

Some priority directions of research of the state and law at the present stage

M Axmedshaeva

Tashkent state university of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan, m.axmedshaeva@tsul.uz

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law



Part of the [Public Law and Legal Theory Commons](#)

Recommended Citation

Axmedshaeva, M (2017) "Some priority directions of research of the state and law at the present stage," *Review of law sciences*: Vol. 1 : Iss. 1 , Article 1.

Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol1/iss1/1

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Review of law sciences by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



SOME PRIORITY DIRECTIONS OF RESEARCH OF THE STATE AND LAW AT THE PRESENT STAGE

M.AXMEDSHAEVA^a Tashkent State University of Law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

^aTashkent State University of Law

НЕКОТОРЫЕ ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ИССЛЕДОВАНИЯ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ

M.AXMEDSHAEVA^a Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047, Узбекистан

^aТашкентского государственного юридического университета

ҲОЗИРГИ ДАВРДА ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ АЙРИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

M.AXMEDSHAEVA^a Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

^a Тошкент давлат юридик университети

Аннотация: мақолада ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи ривожланиши тенденцияларини давлат ва ҳуқуқ назарияси фани нуқтаи назаридан илмий тадқиқ этишнинг айрим устувор йўналишлари, яъни ҳуқуқий давлат қуриши ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг назарияси ва амалиёти, глобаллашув жараёнларининг давлат ва ҳуқуққа таъсири, фуқаролик жамиятининг муҳим элементлари бўлган жамоатчилик назорати, ижтимоий шериклик, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, ахборот асри шароитида ҳуқуқнинг роли, ҳуқуқий маданиятни юксалтириши, қонун ва ҳуқуқ ижодкорлиги, юридик техника, ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва уларни бартараф этиши масалаларининг назарий-ҳуқуқий муаммоларини илмий тадқиқ этиши зарурлиги асослантирилган.

Калим сўзлар: устувор йўналишлар, давлат ва ҳуқуқ, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, жамоатчилик назорати, ижтимоий шериклик, давлат фаолиятининг очиқлиги, ҳуқуқдаги бўшлиқлар, юридик техника.

Аннотация: в статье анализируются некоторые приоритетные направления научного исследования проблем современного развития государства и права с точки зрения теории государства и права, обоснована научная необходимость исследования таких вопросов, как формирование гражданского общества и построение правового государства, теория и практика разделения властей, общественный контроль, социальное партнёрство, открытость деятельности государственных органов, социальная роль права в условиях информационного века, повышение правовой культуры, проблемы совершенствования законодательства и правотворчества, юридическая техника, пробелы в праве и пути их преодоления.

Ключевые слова: приоритетные направления, государство и право, правовое государство, гражданское общество, общественный контроль, социальное партнёрство, открытость деятельности, государственные органы, пробелы в праве, юридическая техника.

Annotation: the article analyzes several significant directions of scientific research related with the problems of contemporary state and law development from the point of view of theory and history of state and law. It investigates scientific necessity of such problems as forming civil society and building legal

state, theory and practice of separation of powers, the social control, the social partnership, transparency of state bodies` activity, law-making technique, gaps in law and ways of overcoming.

Keywords: *the priority of direction, the state and law, the legal state, the social control, the social partnership, the transparency of state activity, gaps in law, the law-make technique.*

XXI аср фан, техника, коммуникация ва юксак технологияларнинг мисли кўрилмаган ривожланган асри бўлиш баробарида, давлат ва ҳуқуқнинг жамиятда тутган ўрни, инсонлар ҳаётига таъсири борасида ҳам туб ўзгаришларни юзага келтирган асрдир.

Шу муносабат билан ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқининг ривожланиш тенденциялари, жамият, ҳуқуқ ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар мазмунидаги ўзгаришлар, глобализациянинг давлат ва ҳуқуққа, айниқса, давлат суверенитетига, унинг функцияларига таъсирини бугунги кун нуқтаи назаридан назарий тадқиқ этиш юридик фанлар тизимида ўзига хос ўрин тутадиган давлат ва ҳуқуқ назариясининг муҳим вазифаларидандир.

Айни пайтда давлат ва ҳуқуқ назариясининг бош вазифаларидан бири – бу ҳар бир даврда унинг хусусиятларини ўзида ифодаладиган давлат ва ҳуқуқ тушунчасини ишлаб чиқиш ва унга таъриф бериш ҳисобланади. Ваҳоланки, давлат ва ҳуқуққа таъриф бериш жуда мураккаб вазифа саналади. Шу ўринда нидерландиялик буюк олим Л.Гумпловичнинг: “Дунёда қанча давлатшунос ва файласуфлар мавжуд бўлган бўлса, давлатнинг шунча таърифи ҳам мавжуд бўлган” [1], – деган фикрини эшлаш ўринли бўлади.

Шу ўринда мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқининг чинакам моҳиятини англаш, ушбу ҳодисаларнинг жамиятда тутган реал ўрни ва ролини тушуниш, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш назарияси ва амалиётини илмий тадқиқ этиш борасида муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг давлат ва ҳуқуққа оид фикрлари, тавсифлари ва таърифлари алоҳида эътиборга сазовордир. Хусусан, И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” номли асарида Ўзбекистон давлатининг моҳиятига берилган таъриф ўзида чуқур мазмун акс эттирганлиги билан эътиборга сазовордир: “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу – мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу – инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир” [2]. Ушбу таърифда давлатимизнинг мавжуд демократик ва ижтимоий характери ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш жоизки, давлат ва ҳуқуқ замон силсилаларидан, таъсирдан холи ҳодисалар эмас. Бинобарин, кишилик жамияти тараққиётининг ҳар бир даври ўзи учун мос ва хос давлат ва ҳуқуқни майдонга чиқаради.

Шу нуқтаи назардан, XXI аср ўзининг бетакрор хусусиятлари билан ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи моҳиятига ва фаолияти мазмунига тегишлича ўзгартиришлар киритмоқда. Шу билан бирга, давлатни ташкил этувчи элементлар бўлмиш ҳудудий (территориал элемент), аҳоли сони (субстанциявий элемент) ва давлат органлари тизими (институциявий элемент) мазмунида ҳам айрим ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, бир пайтлар ҳудуди катта давлатлар “буюк” давлатлар сирасига киритилган бўлса, бугунги кунда эса давлатнинг куч-қудратини ифодалашда ҳудуднинг катта-кичиклиги доим ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Ҳолбуки, ҳудуди нисбатан катта бўлган айрим давлатлар иқтисодий жиҳатдан унча ривожланмаган бўлса, ҳудуди кичик бўлган давлатлар нафақат иқтисодий жиҳатдан ривожланган, балки жаҳон сиёсатига ҳам таъсир кўрсата оладиган мақомга эга бўлиши мумкин. Ёхуд глобаллашув жараёнлари, ахборот-коммуникация технологияларининг мисли кўрилмаган ривожли давлат функцияларини амалга оширишнинг ташкилий жиҳатларига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу ҳолатда ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқининг моҳияти, ривожланиш қонуниятлари хусусиятларини

Ўрганиш давлат ва ҳуқуқ назариясининг доимий диққат марказида турган масалалардан ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги замон ривожланган давлатлари ҳуқуқий моҳиятга эгадир. Бинобарин, ҳуқуқий давлат ҳозирги замон давлатларининг қонун устувор ва ҳуқуқ энг устувор бўлган шаклидир. Шу боисдан ҳам мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон ўзининг асосий мақсади – эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий давлат қуриш эканлигини жаҳон ҳамжамиятига эълон қилди. Ваҳоланки, ҳуқуқий давлат қуриш вазифаси ўта мураккаб жараён бўлиб, у ўз ичига иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий омилларнинг ўзаро ҳаракати, тараққиёт даражаси ва уйғунлашувини тақозо этади. Шунинг учун турли давлатларда ҳуқуқий давлат қуриш амалиёти тарихан умумий хусусиятларга эга бўлиши билан бир қаторда, ҳар бир давлатда муайян хусусиятларга ҳам эга бўлиши табиий ҳолатдир. Шу муносабат билан бугунги глобаллашув жараёнлари шароитида давлат ва ҳуқуқ назарияси фани олдида ҳуқуқий давлат қуриш назарияси ва амалиётини тадқиқ этиш вазифаси турибди. Шу ўринда бу йўналишдаги тадқиқотлар қандай масалалар ечимини топишга қаратилиши керак, деган саволлар кўндаланг бўлиши табиий, албатта. Бинобарин, ҳуқуқий давлат ҳақидаги назария яратилган даврдан буён анча вақт ўтди, унинг мазмун ва моҳияти ҳам “давр синовлари”ни бошидан кечирди, қолаверса, ҳуқуқий давлат қуриш амалиёти ҳам қотиб қолган, ҳар даврда бир хил жараён бўлмай, балки сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсиридан холи бўлмаган, жонли диалектик жараёндир. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, ҳуқуқий давлат ҳақидаги ғояларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши, унинг амалиётга татбиқ қилиниши кишилик жамиятининг давлатчилик борасида эришган ютуқларининг муайян даражасини ўзида ифода этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кўпинча ижтимоий, хусусан, юридик фанларда ҳуқуқий давлат ҳақидаги ғояларнинг вужудга келиш, шаклланиш ва ривожланиш тарихи, асосан, Ғарб мутафаккирлари қарашлари асосида ёритилиб, бу борада Шарқ, жумладан, Марказий Осиё мутафаккирларининг қарашлари, кўпинча, тадқиқотчилар назаридан бироз четда қолгандай кўринади. Ҳолбуки, қадимданок юртимизда адолатли қонунлар асосида фаолият юритадиган халқпарвар давлат, самарали давлат бошқарувига эришиш борасида кўплаб ғояларни ўзида жамлаган мумтоз асарлар яратилган. Хусусан, халқимизнинг энг қадимги ёзма манбаси бўлган “Авесто”да инсонлар ҳаётини ташкил этишнинг дастлабки шакллари ҳақида маълумотлар мавжуд бўлса, кейинчалик Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” (“Сияр ул-мулк”), Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” ва “Сабъаи сайёр”, Хожа Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулк” ва бошқа кўплаб асарларда ўз ифодасини топган [3]. Шунга боғлиқ ҳолда мамлакатимиз ҳудудида яшаб ижод этган мутафаккирларнинг давлат ва ҳуқуққа оид мумтоз қарашларини тадқиқ этиш, уларни илмий муомалага киритиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Шу боисдан ҳам мустақилликнинг дастлабки пайтлариданок Ўзбекистон ўз олдида халқимизнинг асрий орзуларини ўзида акс эттирадиган ҳамда халқро андозаларга тўла жавоб берадиган адолатли, халқпарвар давлат қуришни ўз олдида мақсад қилиб қўйди. Мамлакатимизда давлат ҳокимиятини ташкил этиш ҳокимиятлар бўлиниши принципига асосланишини эълон қилиб, уни Асосий Қонунда мустаҳкамлаб қўйди. Бинобарин, ҳокимиятлар бўлиниши принципи давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг самарали ва синалган принципи ҳисобланиб, унинг муҳим, аҳамиятли жиҳатларидан бири – бу ҳар бир ҳокимият тармоғининг нисбатан мустақиллиги ва айни пайтда ҳокимият тармоқларининг ўзаро бошқасининг ўз ваколат доирасидан чиқмасдан фаолият олиб бораётганлигини назорат қилиши “бир-бирини тийиб, ўзаро мувозанатда ушлаб туриш” ташкилий-ҳуқуқий механизми орқали амалга оширилади. Бу тизимга мувофиқ ҳар бир ҳокимият тармоғи бошқасига нисбатан муайян “тийиб туриш” ва “мувозанатда ушлаш” таъсир чораларига эга.

Бу механизмнинг тўла-тўқис ишлаши давлат ҳокимиятининг демократик табиатини таъминлашда жуда катта аҳамиятга эга. Шу боис мустақиллик йилларида сиёсий ислохотларимиз негизида турган демократик давлат қуришнинг энг асосий талаби бўлмиш ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши, улар ўртасидаги муносабатларда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлайдиган тизим барпо этганимиз алоҳида эътиборга сазовордир [4]. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Вазирлар Маҳкамаси билан ўзаро муносабатлари ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан суд ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатлар, “бир-бирини тийиб, мувозанатда ушлаш” механизми таъсирчанлигини таъминлаш, парламент назоратининг давлат ҳокимияти тизимининг мутаносиб ва барқарор мувозанатни таъминлашнинг ажралмас воситаси сифатидаги аҳамиятини таҳлил этиш, суд ҳокимиятининг ижро ҳокимиятига нисбатан “бир-бирини тийиб, мувозанатда ушлаш” тизими механизмнинг самарасини кучайтириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек қонунийликни кучайтиришнинг назарий-ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш жараёнлари, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришни тақозо этади. Шу муносабат билан Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий йўналишлари, бу борада эришилган ва эришилиши лозим бўлган ютуқлар, жумладан, фуқаролик жамияти институтларининг шаклланганлиги ва уларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштироки, давлат фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг мавжудлиги, давлат органлари билан жамоатчилик ташкилот ва тузилмалари ўртасида қонун устуворлиги ва ҳуқуқ ҳукмронлигини таъминлаш, ижтимоий шерикликни кучайтириш, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг реал таъминланишида мансабдор шахсларнинг масъуллигини ошириш, давлат ҳокимияти тизимининг ҳокимиятлар бўлинишига асосланиши, жамиятнинг юксак ҳуқуқий онги, нуфузли мустақил суд ҳокимиятининг мавжудлиги ва бошқа ҳолатлар ўзининг назарий-ҳуқуқий тадқиқини кутмоқда.

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда мустақиллик йилларида фуқаролик жамияти институтларининг кенг тизимини шакллантиришга ва жамиятда уларнинг таъсирини оширишга катта аҳамият бериб келинмоқда. Масалан, республикаимизда ННТлар сони 1991 йилда 95 та, 2000 йилда 2585 та, 2013 йилда эса 6 мингта, 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра (адлия идораларида рўйхатдан ўтган) 7,8 мингтани, бугунги кунда эса 9 мингта яқинни ташкил этмоқда [5]. Бундай тузилмаларнинг муҳим фаолият йўналиши, ижтимоий вазифаларидан бири – бу давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришидир. Бинобарин, кучли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги фуқаролик жамиятининг етуклиги, давлат ва жамият ўртасида ижтимоий ҳамкорликнинг мавжудлигини кўрсатувчи омил бўлиб, у жамиятнинг демократик асослари мустаҳкамлигини, фуқаролик жамияти етуклигини, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти ҳамда ижтимоий фаоллиги юқорилигини кўрсатадиган институтдир. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ” [6]. Ислон Каримов бу

борадаги қарашларини “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да ҳам ривожлантириб, қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик жамияти институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратиш ҳамда давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш юзасидан аниқ таклиф ва тавсияларни илгари сурган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси эса ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтиб, Қонунчилик палатасида кўриб чиқишга тайёрланмоқда. Шу сабабли бугунги кунда фуқаролик жамиятининг асосий шартларидан бири бўлган давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, давлат органларининг очиқлиги ҳамда ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, ҳаётга татбиқ этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш масалаларининг илмий тадқиқ этилиши долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг олдида турган муҳим вазифалардан бири – глобаллашув жараёнлари, фан-техника ва юксак технологияларнинг мисли кўрилмаган ривожини шароитида ҳуқуқнинг моҳиятини, унинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчилик (регулятив) роли самарасини, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалаларини илмий тадқиқ этишдир.

Маълумки, бугунги кунда ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш орқали жамиятдаги мавжуд муносабатлар ривожини таъминлайдиган ва уларга барқарорлик бахш этадиган самарали восита сифатида жамият ҳаётида катта ўрин тутаяди [7]. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш жараёнига қўйиладиган талабларга тўлиқ риоя этиш – мазкур ҳужжатлар сифатини оширишнинг муҳим шартларидан бири. Афсуски, миллий юридик фанимизда бу йўналиш ҳали чуқур ўрганилмаган. Мавжуд илмий тадқиқотларнинг аксарияти қонунчилик техникасининг айрим муаммоларигагина бағишланган. Шунга кўра юридик техника масалаларига бағишланган махсус тадқиқотларни кўпайтириш зарур. Юридик техника, қонунчилик техникаси, норма ижодкорлиги ва қонунлар сифатини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг кенг қамровлиги, мураккаблиги сабабли юридик техникани ўрганиш объекти, предмети, кўлами, доираси, чегараси каби масалалар бўйича ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турли тортишув, баҳс-мунозаралар, хилма-хил фикрлар, баъзан бир-бирига зид қарашлар ҳам мавжуд. Юқорида қайд этилган омиллардан ташқари, ушбу илмий муаммонинг долзарблиги юридик техника умумий назариясини янада ривожлантириш эҳтиёжлари, уни амалий таҳлил билан бойитиш, шунингдек сифатли қонунлар яратиш назариясига оид илмий билимларни мамлакатимиздаги ҳуқуқий ижодкорлик жараёни воқеликлари асосида кенгайтириш ва чуқурлаштириш зарурати билан ҳам белгиланади.

Юридик техника назариясини шакллантириш ва амалий муаммоларини назарий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш натижасида эришиладиган илмий хулосалар юридик техника тушунчасининг ҳуқуқий табиатига оид янги илмий тушунча ва таърифлар ишлаб чиқишга, қонун ижодкорлиги жараёнида юридик техникани қўллашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Бугунги кунда қонунчилик тизими республикамизда ўтказилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, мустақиллик йилларида

яратилган миллий қонунчилигимизни халқаро андоза ва нормаларга уйғунлаштириш ҳамда қабул қилинаётган норматив ҳужжатлар ўртасидаги муаносибликни таъминлаш, шунингдек миллий ҳуқуқ тизимимизда юзага келаётган коллизия ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш муаммоси ҳам ҳуқуқ фани олдидаги долзарб масалалардан эканлигини эътироф этиш жоиз.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқ соҳаларида юзага келаётган бўшлиқлар билан боғлиқ муаммолар деярли ҳар бир тадқиқотда муайян даражада таҳлил қилинаётган бўлса-да, бугунги кунда уларнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари юзасидан ўтказилган комплекс монографик тадқиқотлар етарли эмас.

Яна бир муҳим масала қабул қилинган қонун ҳужжатларини ўз истеъмолчиларига – аҳолига етказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ҳисобланади. Шу маънода 2017 йил 7 сентябрда қабул қилинган “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни алоҳида аҳамият касб этади [8]. Қонуннинг мақсади – ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш. Шу муносабат билан қонун ҳужжатларининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий муносабатлар ривожини, инсон ҳуқуқларининг таъминланишига таъсирини кучайтиришнинг назарий-амалий масалалари тадқиқотлаб олиниши қолмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларни амалга оширишда қонун ҳужжатларидаги коллизия ва бўшлиқларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш механизмларини мунтазам такомиллаштириб бориш, уларни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ҳамда тизимли таҳлил қилиш давр талабидир. Зеро, мазкур механизмлар мамлакатимизда ҳуқуқ ижодкорлигининг самарали тизими яратилишига хизмат қилади. Айтиш жоизки, бугунги кунда жамиятни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатдан янгиланишнинг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бири мавжуд ҳуқуқ тизимини ижтимоий воқеликда кечаётган муносабатларга ҳамоҳанг бўлишини таъминлаш деб талқин этилмоқда. Бинобарин, мукамал ҳуқуқ тизимини шакллантириш фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куришнинг муҳим омили ҳамдир.

Маълумки, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий давлат куришнинг муҳим омилидан бири – бу жамиятнинг юксак ҳуқуқий маданиятга эга эканлигидир. Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мураккаб вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас, у қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани турли можароларни ҳал қилишда қонунга ҳилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир” [9].

Айни пайтда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш муайян қийинчиликларсиз амалга ошмайди. Ҳуқуқий маданият ўз моҳиятига кўра ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий ахборот даражалари билан узвий боғлиқдир. Ахборот асри шаротида ҳуқуқий ахборотнинг ўрни ва роли ҳамда унга қўйиладиган талаблар ҳам даврга ҳамоҳанг равишда ўзгариб бормоқда. Ҳолбуки, аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини тубдан яхшилаш, унинг ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, ҳуқуқий ахборотнинг кенг майдонини яратиш бериш – ҳуқуқий давлат қарор топишида муҳим йўналишдир [10].

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, 1997 йилда қабул қилинган жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш Миллий Дастури ўз олдида қўйган тарихий вазифани амалга оширишда катта роль ўйнаб келмоқда. Бироқ жамиятдаги туб ўзгаришлар жамиятнинг

хуқуқий маданиятига нисбатан ҳам янги-янги талабларни қўяётганлиги муносабати билан давлатимиз олдида турган мураккаб вазифаларга ҳамоҳанг ҳолда ушбу Дастурнинг янги таҳрири ишлаб чиқилмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида шиддаткор асрга мос ва хос ҳуқуқий маданиятни қарор топтириш муаммолари, шунингдек юристларнинг профессионал ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш хусусиятлари, замонавий ҳуқуқий мафкуранинг назарий ва амалий талқинини яратиш масалалари бугунги кун воқеликлари асосида талқин этилиши зарур.

Мамлакатимизда охириги йилларда амалга оширилаётган салмоқли ишлар, айниқса, халқнинг фикрини эшитиш, турмуш шароитларида вужудга келган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш, халқ билан мулоқотни янги сифат даражасига кўтариш мақсадида фаолият олиб борилаётган халқ қабулхоналари, бугунги кунда ҳокимият билан аҳолини бир-бирига янада яқинлаштирмоқда, уларнинг қонунга ва адолатга бўлган ишончини орттирмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Мухтасар айтганда, одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш – аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади” [12]. Ушбу жараёнлар давлатимизнинг демократик характерини янада мустаҳкамламоқда, аҳолининг ижтимоий фаоллигини, ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга хизмат қилмоқда. Шу муносабат билан аҳоли ҳуқуқий маданиятини оширишнинг замонавий йўл ва усулларини такомиллаштириш, ушбу жараёнда ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланишни кучайтириш, ҳуқуқий тарғибот самарадорлигини ошириш, шу мақсадда аҳолининг турли тоифалари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий маърифат ишларини олиб бориш жараёнларини, шунингдек, ҳуқуқий онгдаги эски стереотипларни бартараф этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уни юксалтириш йўллари, аҳоли ўртасида, айрим мансабдор шахсларда у ёки бу шаклда учраб турадиган ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш муаммоларини илмий тадқиқ этиш муҳимдир.

Маълумки, жамиятимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш кўп жиҳатдан юридик таълим сифатини ва юридик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ. Шу боисдан мамлакатимизда ушбу масалага устувор аҳамият бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги ПҚ–1990-сонли ҳамда 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2932-сонли “Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳам ушбу масалалар ечимига йўналтирилган [12]. Мазкур қарорлар мамлакатимизда ўтказилаётган демократик-ҳуқуқий ислохотлар, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва замонавий халқаро стандартларнинг юксак талабларига жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назарга кўра қайд этилган қарорнинг ижро этилиши, унинг юридик таълим ва юксак малакали юридик кадрларни тайёрлашга реал таъсири масаласи ҳам ўзининг илмий таҳлилини кутмоқда. Шу муносабат билан мамлакатда юридик таълимни янада ривожлантириш юзасидан тегишли концепцияларни ва ҳуқуқий тарбияни олиб боришнинг замонавий шакл ва усулларини ишлаб чиқиш ва бу борада аниқ қонунчилик таклифларини шакллантириш долзарб илмий вазифалардандир.

Фикримизча, бугунги кунда давлат ва ҳуқуқ назарияси фани нуқтаи назаридан қуйидаги масалалар илмий тадқиқ этилиши мақсадга мувофиқ:

- ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш назарияси ва амалиётини бугунги кун нуқтаи назаридан тадқиқ этиш;

- davlat mexanizmi samaradorligini yanada oshirishda hokimiyatlar b'lining va hokimiyat tarmoqlari urtasidaги vaqolatlar muvozanatini ta'minlash masalasini tadqiq etish;
- globallashuv jarayonlarining davlat va huquqqa, uning funksiyalariga ta'sirini nazariy-huquqiy jihatdan tadqiq etish;
- fuqarolik jamiyati institutlari tomondan davlat organlari faoliyati ustidan jamoatchilik nazoratini olib boriш, fuqarolik jamiyati institutlari bilan davlat organlari urtasidaги ijtimoий шерикчилик ҳамда davlat organlari faoliyatining ochikligini ta'minlash masalalarini tadqiq etish;
- axborot asri sharoitida huquqning mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning samarasini ta'minlashning huquqiy asosi sifatidaги rolini, huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yanada yuksaltirishning nazariy-huquqiy muammolarini tadqiq etish;
- normativ-huquqiy hujjatlarni tayyorlashda yuridik texnikaning urni, huquqdaги b'ushliqlar va ularni bartaraf etish masalalari, shuningdek idoraviy norma ijodkorlikning nazariy-huquqiy muammolarini tadqiq etish;
- inson huquqlarini ta'minlashda yuridik hujjatlarning, huquqni k'yllash hujjatlari hamda sud hujjatlarining urni va roli masalasini ilmiy-nazariy tadqiq etish.

References:

1. Gumplovich L. Obshyeye ucheniye o gosudarstve. – SPb.,1910. – S.36 / Problemi teorii gosudarstva i prava /Pod. red. d.yu.n. prof. M.N.Marchenko. – M.: Yurist, 2004. – S.74.
2. Karimov I.A. O'zbekistonning o'z istiqloл va taraqqiyot yo'li. / Karimov I.A. O'zbekiston: milliy istiqloл, iqtisod, siyosat, mafkura. T.1. – T.: O'zbekiston, 1996. – B.39–44.
3. Abu Nasr Farobiy. Fozil odamlar shahri. Tuzuvchi: Maxmudov T. - T.: A.Qodiriy nomidagi xalq merosi markazi, 1993. – B.224. Nizomulmuluk. Siyosatnoma yoki Siyar ul-muluk. Fors tilidan tarj., so'z boshi va izohlar mualliflar: Shodmon Vohid Xusaynzoda, A. Erkinov. – T.: Yangi asr, 2008. – B.240.
4. Temur tuzuklari. – T.: G'G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashr., 1996. – B.344. Termiziy Xoja Samandar. Dastur ul-muluk. – T.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti.1997. – B.272.
5. Karimov I.A. Amalga oshirayotgan islohotlarimizni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyati qurish – yorug' kelajagimizning asosiy omilidir // Xalq so'zi. – 2013. – 9 dekabr.
6. Karimov I.A. Biz tanlagan yo'l – demokratik taraqqiyot va ma'rifiy dunyo bilan hamkorlik yo'li. T.11. – T.: O'zbekiston. 2003. – B.28 – 29.
7. Hart G.L.A. Ponyatiye prava. Per. s angl. Pod obsh. red. Ye.V.Afonasina i S.V.Moiseyeva. - SPb. Izd.: S-Peterb. un-ta. 2007. – S.302. (H. L. A. Hart. The Soncept of law. Sarendon law series. Oxford University Press. 1961.)
8. “Huquqiy axborotni tarqatish va undan foydalanishni ta'minlash to'g'risida” O'zbekiston Respublikasining Qonuni.2017-yil, 7-sentyabr. №O'RQ – 443. Lex.uz.
9. Karimov I.A. O'zbekistonning siyosiy-ijtimoiy va iqtisodiy islohotlarning asosiy tamoyillari. – T., 1995. – B.29.
10. Karimov I.A. Hozirgi bosqichda demokratik islohotlarni chuqurlashtirishning muhim vazifalari // Yangicha fikrlash va ishlash – davr talabi. T.5. – T.: O'zbekiston, 1997. – B.128.
11. Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash - yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O'zbekiston Respublikasining saylangan Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 24 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruzasi. // Xalq so'zi. – 2016. – 8 dekabr.
12. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013 y., 29-son, 372-modda; 2017 y., 19-son, 335-modda, 37-son, 980-modda.